

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 652

22.11.2022 йил

Тошкент шаҳар

Ушбу пудрат шартномаси «**Буюртмачи**» деб аталувчи ФЖСТТ ва унинг номидан буйруқ асосида иш олиб борувчи Сидиков А.А. бир томондан ва «**Пудратчи**» деб аталувчи «**Фаргонакувуртаъминот**» МЧЖ ва унинг номидан **Низом** асосида иш олиб борувчи раҳбари **Орипова З.М.** иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. «**Пудратчи**» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «**Буюртмачи**»нинг талабига асосан «**ПРОМЫШКА И ПРОФИЛАКТИКА СИСТЕМЫ ОТОПЛЕНИЯ**» ишларни бажариб беради.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «**Буюртмачи**» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда) га асосан жорий нархларда 72 000 000 (Етмиш икки миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик бошқармасидан рўйхатга олингандан сўнг 10 банк иш кунида «**Буюртмачи**» бажариладиган ишлар умумий қийматининг **30 фоизини** яъни 21600000 (Йигирма бир миллион олти юз минг) сўмни, тегишли маблағлар доирасида, олдиндан аванс тариқасида «**Пудратчи**»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган **70 фоизи**, яъни 50400000 (Эллик миллион тўрт юз минг сўм) сўмини «**Пудратчи**» томонидан топширилган бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги счет-фактура маълумотномалар асосида 10 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.5. Жорий молиялаштириш амалдаги бажарилган ишларни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишларнинг сифати ва ҳажми текширилгандан сўнг тўланган суммани ҳисобга олган ҳолда шартнома қийматининг 95 фоизигача бўлган миқдорида амалга оширилади.

2.6. «**Буюртмачи**» ва «**Пудратчи**» ўртасида шартнома қийматининг қолган 5 фоизи 12 ой кафолат муддати тугагандан сўнг тўлов амалга оширилади.

2.7. «**Буюртмачи**» охириги тўловни «**Пудратчи**» томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, банк ходимини жалб қилган ҳолда назорат ўлчовини ўтказди ва қабул қилиш – топшириш далолатномаси расмийлаштириб беради.

2.8. Бажарилган ишлар учун тўловлар «**Буюртмачи**» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «Буюртмачи»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 15 кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган лойиха-смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. «Пудратчи»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширилгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган лойиха-смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «Пудратчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «Буюртмачи» тўловлар тўхтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида «Пудратчи» жарима тўлайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни

коплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик бошқармасидан рўйхатга олинган кундан кучга киради ва 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жihatдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

«Фаргонакувуртаъминот» МЧЖ

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Фаргона шаҳар, Саноат кучаси, 214
Тел./+99891 656 78 88

х/в 20208000904317915001

Банк номи Invest Finance Bank Фаргона ф-ли

СТИР 204913500

ОКОНХ 14711

Рахбар

Орипова З.М.

(Ф.И.Ш)

(имзо)

М.У

«БУЮРТМАЧИ»

“FARG'ONA JAMOAT SALOMATLIGI
TIBBIYOT INSTITUTI”
Farg'ona sh, Yangi turon 2a-uy.
Tel/Fax: 73 243-06-62
Shxr:400910860304017094100054001
STIR:202600504 OKNX:92110
O'zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligi G'aznachiligi
X/r 23402000300100001010
XKKM Markaziy bank Toshkent shahar BB
MFO:00014 INN:201122919



Amirbekov A.

Григорьев: [Signature] *Султанов Б.*